

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАЛИКОВА ДИЛРАБОХОН МАХМУДОВНА

**УМУМий ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА
МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Маликова Дилрабохон Махмудовна

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини
шакллантиришнинг педагогик тизими.....3

Маликова Дилрабохон Махмудовна

Педагогическая система формирования культуры чтения у учащихся
общеобразовательных школ24

Malikova Dilraboхon Mahmudovna

Pedagogical system of formation of reading culture in students of general secondary
schools44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАЛИКОВА ДИЛРАБОХОН МАХМУДОВНА

**УМУМий ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА
МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Ped1914 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хақимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Маматова Гулшан Аманкуловна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида мутолаа масаласи жамиятнинг салоҳияти, мамлакатда инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг шартли сифатида қаралмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида “таълим олувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш, мулоқотда ҳамкорлик қобилиятлари ва қизиқишларини кучайтириш”¹ долзарб вазифа сифатида белгиланган. Англия, Япония ва Германия каби давлатларда шахснинг шаклланиши ва тарбиясига таъсир кўрсатадиган энг муҳим восита бу мутолаа эканлиги таъкидланиб, мутолаа маданиятига эга бўлган шахс атрофдагилар билан самарали мулоқот ўрната олиб, халқнинг ижтимоий-маданий амалиётнинг асосий ташувчиси сифатида қаралмоқда. Шу билан бирга, илғор тажрибалар китоб мутолааси соҳасидаги халқаро ва тарихий ёндашувлар, мутолаа стратегияларининг дидактик имкониятларини кенгайтириш ҳамда ушбу педагогик тизим самарадорлигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

АҚШ, Сингапур, Гонконг, Ирландия, Индонезия, Малайзия, Россия Федерацияси, Япония, Германия, Италия ва шу каби жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида китобхонлик ва китоб мутолаасига ёш авлоднинг эътиборини жалб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, шахсни мутолаага ундашда китобхонлик, матнни қайта ишлаш, метакогнитив, когнитив, танқидий мутолаа стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда ўқувчиларни мутолаа маданиятини шакллантиришнинг муайян босқичлари, таркиби, аниқ мазмуни ва уни танлаш принципларини аниқлашга йўналтирилган педагогик жараёнларни ташкил этишга алоҳида эътибор берилиб, китоб мутолааси ёрдамида ўқувчи ва талаба-ёшларда коммуникатив, ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий, ахборотлар билан ишлаш компетенцияларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Китоб мутолаасига йўналтирилган педагогик вазиятларда ўқувчиларга матн устида ишлаш, уни таҳлил қилиш, танқидий муносабат билдириш усулларини ўргатиш, ушбу мақсадда инновацион характердаги аудио-видеовизуал воситалар, мутолаа стратегияларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотларга эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда китобхонлик миллий маданиятни ривожлантиришнинг таркибий қисми, беш ташаббуснинг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. “Жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). 6 p. 26 P.

ижтимоий фаоллигини ошириш”² муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш, бу жараён мазмунига замонавий ёндашувларни сингдириш, ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос педагогик-психологик имкониятларини белгилаш ва синфлар кесимида таснифлаш, ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш воситалари, шакл ва методлари, стратегияларини белгилаш ҳамда педагогик жараён моделини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида” ЎРҚ-637-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада ўқувчиларда китобхонлик кўникмаларини ривожлантириш, китоб мутолаасига нисбатан ижобий муносабатни таркиб топтириш масалалари А.Абдулазизов, Б.И.Ганиева, Қ.Йўлдошев, Э.Йўлдошев, С.И.Камбарова, Б.Мақулова, М.Мирқосимова, О.Мусурмонова, М.Нигматова, Р.Х.Ниёзметова, И.Р.Рахимова, Р.Г.Сафарова, О.А.Тўрақулова, А.О.Умаров, Б.Х.Ходжаев,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони: <https://lex.uz>

Қ.П.Хусанбоева, С.А.Чиниева, С.Шермухамедова, Ё.Қаюмхўжаева, Д.Х.Қосимоваларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

Ўқувчиларни китоб мутолаасига ундаш, гендер ёндашув асосида китобхонликка нисбатан мотивацияни шакллантириш муаммолари Муस्ताқил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан А.А.Алексеева, Ш.А.Амонашвили, В.Ф.Асмус, Л.Береснева, Г.Д.Боразнова, В.А.Бородина, Е.А.Бугрименко, И.А.Бутенко, Е.Н.Гончарова, З.А.Гриценко, С.А.Денисова, О.В.Джеджили, Н.В.Збаровская, С.В.Иванова, Т.Н.Каптан, М.Г.Качурин, А.П.Кашкаров, Л.Р.Керимова, Р.А.Кирьянова, Е.И.Кузьменкова, С.П.Лавлинский, В.А.Лазарева, Н.И.Лифинцева, М.Мокина, Т.А.Неборская, Е.В.Никонович, Г.М.Первова, Т.С.Пичерол, Т.Д.Полозова, А.В.Шмидтларнинг ишларида ёритилган.

Шу билан бир қаторда замонавий шароитда ўқувчи-ёшларда мутолаа маданияти, танқидий фикрлаш, китобхонликни ривожлантириш масалалари хориж олимлари P.Afflerbach, R.C.Anderson, W.Andrea, M.Barwock, V.Blau, N.Branscombe, D.H.Brown, A.Burns, K.Cain, R.Calderon, J.Carroll, S.Dockett, M.Drucker, J.Francois, A.Galletly, K.Hazzard, R.Johnson, S.G.Paris, H.Willenberg каби педагог, психолог, файласуф, социолог олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган ФЗ-2016-0909111822 – “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг педагогик имкониятларини халқаро ва тарихий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш;

ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини синфлар кесимида таснифлаш;

ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш воситалари, шакл ва методлари, стратегияларини белгилаш ҳамда педагогик жараён моделини такомиллаштириш;

ўқувчиларда мутолаа маданияти шакллантирилганини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда экспериментал тадқиқот натижалари асосида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён белгилаб олинган бўлиб, тажриба-синов ишлари Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилди.

Тадқиқотнинг предметини умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш жараёни мазмуни, воситалари, усуллари, методлари ва шу мақсадни амалга оширишга йўналтирилган дидактик вазиятлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари: тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, анкета, умумлаштириш, савол-жавоб, суҳбат, педагогик эксперимент, математик-статистика методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнининг мазмуни маънавий қадрият сифатидаги асарларнинг тарихий тараққиёт босқичлари, муомала маданияти меъёрларига интеллектуал ёндашув, позитив дунёқарашини шакллантиришга қаратилган фикрий фаоллик, матннинг ҳаёлий тасвирини семантик боғланишлар ҳамда пассив ва стратегик хулосалар чиқариш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг мутолаа маданияти матнни қайта ишлаш, метакогнитив хотира ва интуицияси, китобхонлик стратегиялари, китобхонлик қобилиятини мантикий изчилликда маданий-интеллектуал ҳамда миллий қадриятларга мос ифодалаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг метакогнитив лаёқатлари педагогик шароитлар яратиш, эътибор қаратиладиган вазиятларни белгилаш, таъкидланган ва қайд этилмаган муҳим ва иккинчи даражали маълумотларни аниқлаш, мутолаа билан боғлиқ вазифаларни ажратиш ҳамда матн сарлавҳаси билан мазмуни орасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели таҳлил-мутолаа, рефлексия, ментал тафаккур ва билимларни тизимли идрок этиш, репродуктив мушоҳада қилиш кўникмаларини ҳамда самарали фикрлашни махсулдор мулолаа технологияси воситасида фаоллаштириш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги назарий-эмпирик жиҳатдан асосланган ва “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш” номли услубий қўлланма амалиётга жорий қилинган;

ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш имконини берадиган илғор методлар ва стратегияларнинг дидактик имкониятлари аниқланган ва педагогик жараён модели ишлаб чиқилган;

китоб мутолааси соҳасидаги халқаро ва тарихий ёндашувлар асосида ўқувчиларда мутолаа маданиятини шаклланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқланган;

синфлар кесимида ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг педагогик тизими такомиллаштирилган ва уни амалиётга татбиқ этиш юзасидан илмий асосланган таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришга йўналтирилган муайян педагогик тизим, ушбу тизимнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-методик ёндашувлар ва тавсиялардан умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари фаолиятини, малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришда, давлат таълим стандартлари меъёрларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, китоб мутолааси соҳасидаги халқаро ва тарихий ёндашувлар асосида ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш имконини берадиган илғор тажрибалар, инновацион методлар билан бойитилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар, хулоса ва таклифлар асосида:

ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнининг мазмуни маънавий қадрият сифатидаги тарихий тараққиёт босқичлари, маданиятшунослик ёндашуви, ментал тафаккурни ривожлантириш йўналишлари, халқаро ва тарихий педагогик тажрибаларга таяниш асосида аниқлашга оид таклифлар ФЗ-2016-0909111822-рақамли “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 2 декабрдаги 02-07-3856/04-сон далолатномаси). Натижада, ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг педагогик имкониятларини халқаро ва тарихий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш имконияти оширилган;

ўқувчиларнинг мутолаа маданияти китобхонлик, матнни қайта ишлаш, метакогнитив, когнитив, танқидий фикрлаш, китобхонлик стратегиялари, китобхонлик қобилиятини мантиқий изчилликда ифодалаш асосида такомиллаштириш юзасидан берилган тавсиялар А-1-197 рақамли “Навоий адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш” мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 2 декабрдаги 02-07-3856/04-сон далолатномаси). Натижада, ўқувчиларда мутолаа маданиятини

шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини синфлар кесимида таснифлашга эришилган;

ўқувчиларнинг метакогнитив лаёқатлари педагогик шароитлар яратиш, эътибор қаратиладиган вазиятларни белгилаш, таъкидланган ва қайд этилмаган, муҳим ва иккинчи даражали маълумотларни аниқлаш, мутолаа билан боғлиқ вазифаларни ажратиш, стратегик мақсадлар қўя олиш, фаолият натижаларини баҳолаш, матн сарлавҳаси билан мазмуни орасидаги мутаносибликни таъминлаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ФЗ-2016-0909111822-рақамли “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 2 декабрдаги 02-07-3856/04-сон далолатномаси). Натижада, ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш воситалари, шакл ва методлари, стратегияларини белгилаш имконияти оширилган;

ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели таҳлил-мутолаа, рефлексия, ментал тафаккур ва билимларни тизимли идрок этиш, мушоҳада қилиш кўникмаларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар А-1-197 рақамли “Навоий адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш” мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. Натижада, ўқувчиларда мутолаа маданияти шакланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 та республика, 4 та мақола хорижий мамлакатда чоп этилган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий матни 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг

ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантиришнинг назарий асослари” деб номланган бўлиб, унда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш – ижтимоий педагогик зарурият сифатида асосланган, мутолаанинг ўқувчилар руҳиятига кўрсатадиган таъсири ҳамда китоб мутолааси соҳасидаги халқаро ва тарихий ёндашувлар таҳлил қилинган.

“Мутолаа – арабча сўз бўлиб, диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш” маъносини англатади.

Ўқиб тушуниб олиш баён қилинаётган фикрни ўқиш, унинг мазмун моҳиятини англашдан иборат ақлий фаолият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш муҳим педагогик масалаларни олимлар ўз тадқиқотларида қуйдагича талқин этишган.

А.Умаровнинг фикрича: “Мутолаа” маданияти ижтимоий гуруҳлар, уюшмалар ва алоҳида индивидларнинг умумий маълумот олишга йўналтирилган жараён, хулқ-атвор ва фаолиятлари мазмуни ҳамда таркибий тизимларида юз берувчи ўзгаришлар мажмуини ифодаловчи билимлар, меъёрлар, ижтимоий ҳодисалар ва бошқа атрибутлардир.

Э.И.Йўлдошев “Ўқиш маданияти” тушунчасига шундай таъриф беради: “Ўқиш маданияти – жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, китобга қизиқиш ва уни севиш, адабиёт билан кенгроқ танишишни, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлишни, шунингдек, китобдан тўла равишда фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади”.

Моллер ўз тадқиқотлари доирасида, китоб мутолааси ўқувчиларни ижобий фаолиятга руҳлантиради, яъни мутолаага интиладиган ўқувчиларнинг ақлий-интеллектуал, руҳий ривожланиши жадаллашади. Ўқувчиларда мутолаа маданияти кўникмаларини тизимли тарзда шакллантириш жараёнини ташкил этиш уларнинг билиш имкониятларини кенгайтиради.

Бизнингча, мутолаа маданияти – шахснинг китобни англаб ўқиш, унинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, у ҳақида мустақил фикр баён қила олиш лаёқатидир.

Мутолаа маданиятини шакллантириш – ўқитувчи, ота-она, кутубхоначилар ва айрим ҳолларда руҳшуносларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти маҳсули бўлиб, бундай фаолият натижасида ўқувчиларда китобларни саралаш, ўқиб тушуниш, моҳиятини баён қилиш, китоб гигиенасига риоя этиш кўникмасини таркиб топтиришга йўналтирилган узлуксиз, корпоратив педагогик жараёндир.

Китоб гигиенаси – китобни асраш, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш маданияти.

Мутолаа маданияти кўникмаларини эгаллаган китобхонлар турли-туман китобларни ўқишга мойил бўладилар. Улар китобнинг мазмуни ва бадиий

имкониятларини чуқур тушунадилар, асарга тўғри баҳо бера оладилар. Мутолаа маданиятига эга бўлган ўқувчилар китоб ёрдамида меҳнат ва ўқиш фаолияти учун зарур бўлган билимларни эгаллашга муваффақ бўладилар.

Ўқувчиларда мутолаа маданияти кўникмаларини шакллантириш йўналишидаги ишлар самарадорлигини таъминлашда ўқитувчилар, ота-оналар ва мактаб кутубхоначиси билан яқиндан иш олиб боришлари, бу соҳадаги амалга ошириладиган ишларни аниқ режалаштиришлари талаб қилинади. Ўқитувчи, кутубхона мудираси ва ота-оналар ўқувчиларда мутолаа маданияти кўникмаларини шакллантириш методларини қўллаганда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишлари лозим.

Китоб мутолааси инсон шахсиятининг сифат кўрсаткичларини ривожлантирганлиги, унинг руҳий-маънавий саломатлигини таъминлаганлиги учун ҳам турли халқлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб, уларнинг тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида китобхонлик ва китоб мутолаасига ёш авлоднинг эътиборини жалб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Англия (Китобхонликни мунтазам рағбатлантириш ва химоя қилиш), Германия (Китобхонлик – оилавий иш), Япония (Китобхонлик миллий сиёсат даражасида, болалар китобхонлигини қўллаб-қувватлаш ҳақида қонун, 2001), Болалар китобхонлиги куни (2005), Ўқиш ва ёзиш маданиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида қонун (2005 йил 27 октябрь), Франция (Китоб ўқиш байрами), АҚШ (Конгресс кутубхонаси лойиҳаси, Ёш китобхон илмий дастурлари), ЮНЕСКО (Ёш китобхонлар пойтахти лойиҳаси), Греция (Европада китобхонликни тарғиб қилиш гуруҳи (2018)) концепциялари кенг қўламли тадбирларни ўз ичига олган. Ўзбекистонда жаҳон тажрибаси ва аждодларимиз меросидан самарали фойдаланган ҳолда китоб мутолааси қамровини кенгайтиришнинг концептуал асослари яратилиб, китобхонлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Аждодларимиз китоб мутолааси билан кўп асрлар мобайнида шуғулланганликлари учун ҳам баркамол шахсни шакллантиришнинг назарий пойдеворини яратиш, дунёга машҳур алломаларни етиштириш, тасаввуф таълимоти орқали инсонни маънавий соғломлаштириш, Биринчи ҳамда Иккинчи Ренессанс даври ва унда яшаган мутафаккирлар билан инсоният тафаккури тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар.

Алломаларимиз Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар китоб мутолаасига алоҳида эътибор қаратганлар. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз фарзандлари Ҳумоюн Мирзо ва Гулбаданбегимдан ҳар куни ўқиган китоблари ҳақидаги фикрларини сўраб, уларнинг китоб мутолаасини мунтазам кузатиб борган. Шундай суҳбатлар асносида Гулбаданбегимда насрий асарлар ижод қилишга бўлган мойилликни сезган ва унинг қизиқишларини рағбатлантирган.

Кўплаб ёзувчи ва шоирларнинг ижодий етукликка эришувида оиладаги аёллар, айниқса, оналар, бувилар, энагалар уларнинг болалигида китоб мутолаасига алоҳида эътибор қаратганлиги, халқ оғзаки ижоди намуналари

билан яқиндан таништирганлиги пойдевор вазифасини ўтаган. Бугунги кунда мамлакатимизда Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш йўлидаги ҳаракатлар бошланган экан, бунда китоб мутолаасига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Китобхонлик миллий маданиятни ривожлантиришнинг таркибий қисми, беш ташаббуснинг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Китоб мутолааси кенг қамровга эга бўлиб, ўқувчиларнинг дунёқараши ва маданиятлилиқ даражасини ҳам белгилайди. Мутолаа маданиятига эга бўлган ўқувчилар турли асарларнинг мазмун-моҳиятини изоҳлаш билан бир қаторда медиа воситалардан олинган маълумотларни саралаш кўникмасига ҳам эга бўладилар. Мутолаа маданиятига эга бўлган шахс атрофдагилар билан самарали мулоқот ўрната олади. Халқнинг ижтимоий тажрибасини осонгина ўзлаштиради. Юқоридагилар асосида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунга келиб ўқувчиларнинг мутолаа кўникмаси уларда бир қатор лаёқатларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Мутолаа кўникмасига эга бўлиш учун ўқувчиларда бир қатор сифатлар шаклланиши лозим. Улар: ўқиш, ёзиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, танқидий фикрлаш, баҳс-мунозарага киришиш кабилардир. Мутолаа маданиятига эга бўлган шахс атрофдагилар билан самарали мулоқот ўрната олади, уларнинг хатти-ҳаракатларини муносиб баҳолай олади. Мутолаа кўникмасини эгаллаш учун ўқувчилар дастлаб сўзларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб етишлари, уларнинг турли синонимлари, антонимларини ўзлаштирган бўлишлари, сўз бирикмаларини тушунишлари, етарли сўз захирасига эга бўлишлари, ўқитувчи томонидан ўқиб берилаётган матннинг оҳангини аниқ илғай олишлари талаб қилинади. Бундай кўникмаларга эга бўлган ўқувчилар бадий асар матнини тўлиқ ўқиб, мазмун-моҳиятини англай оладилар.

Китоб мутолаасини ташкил этишда ўқитувчилар билан бир қаторда ота-оналар ҳам масъул ҳисобланадилар. Мутолаа кўникмасини самарали ўзлаштирган ўқувчиларнинг билимларини эгаллаш даражалари юқори бўлади. Билимларни пухта ўзлаштиришда ўқувчиларнинг мутолаа кўникмасига эга бўлишлари алоҳида аҳамият касб этади.

Мутолаа маданиятининг шаклланишига кўмаклашадиган омиллар сифатида ўқитувчининг китобхонликни тарғиб қилиши, ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан биргаликда китоб мутолаасини амалга оширишлари, ўқувчиларнинг ёзма манбалардаги турли ахборотларга қизиқишлари, ўқувчиларнинг мустақил билим олишга интилишлари, бадий адабиёт ва санъат намуналарига қизиқишлари, турли саргузаштларни ўрганишга интилишлари кабиларни кўрсатиш мумкин. Ўқувчилар бадий асарларни ўқиётганларида уларда баён этилган воқеаларга нисбатан таъсирчан бўладилар. Китоб мутолааси ўқувчиларда атроф-муҳитга нисбатан ижобий муносабат тажрибасини ҳосил қилиш ва билимларни ўзлаштиришларида муҳим аҳамият касб этади. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар болалиқдан бошлаб оилада китоб мутолаасига ўргатилсалар, китобхонлик кўникмаларини муваффақиятли

ўзлаштирадilar. Ўқитувчининг китоб тарғиботи соҳасидаги фаолияти ҳам ўқувчиларни мутолаага ўргатишда муҳим ўрин эгаллайди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари**” деб номланган бўлиб, унда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш мазмуни таҳлил қилинган, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш стратегиялари аниқланган ҳамда ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришда қўлланиладиган методлар ажратиб кўрсатилган.

Ўқувчиларда мутолаа маданияти кўникмаларини самарали шакллантириш учун ўқитувчилар ва ота-оналар мунтазам тарзда педагогик кўрсатмалардан фойдаланишлари керак. Қуйидаги кўрсатмалар ўқувчиларда мутолаа маданияти кўникмаларини шакллантиришга бевосита таъсир ўтказди: 1) Ўқилган матнни мунтазам такрорлаш. 2) Ўқувчилар ҳар доим ўзларига ёқадиган китобни танлаб ўқиш имкониятига эга бўлишлари керак. 3) Мутолаа учун сўзлардаги товушларни тўғри талаффуз қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. 4) Ҳар бир ўқувчини китоб мутолаасига алоҳида-алоҳида тайёрлаш. 5) Ўқитувчилар дастлаб эртақ ва ҳикояларни, синфдан-синфга ўтган сари турли бадиий асарлардан олинган парчаларни ўқувчиларга овоз чиқариб ўқиб беришлари лозим. 6) Ўқилган матнни сахналантириш. 7) Мутолаа тезлигини графиклар ёрдамида ифодалаш.

9-11-синфларда ҳам китоб мутолаасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқувчилар асарларнинг мазмунини батафсил таҳлил қилган ҳолда онгли ўқиш қоидаларига риоя қилишлари керак. 9-11-синф ўқувчилари ҳафта давомида камида 250 саҳифа матнни ўқишлари талаб этилади. Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 9-11-синф ўқувчиларининг аксарият қисми, айниқса, ўғил болалар китоб мутолаасига жуда кам вақт ажратадилар.

Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда мутолаа стратегиялари муҳим ўрин эгаллайди. Мутолаа стратегиялари биринчи навбатда ўқувчиларнинг китобхонлик қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Китобхонлик стратегиялари ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиради. Коммуникатив компетенция таркибида сўзларни ўзлаштириш, улар ёрдамида фикр баён қилиш, яхлит матнлар яратиш, ўз фикрини мантиқий изчилликда ифодалаш каби кўникмалар мужассамлашади.

Мутолаа стратегияси доирасида ўқувчилар матн яратиш, матн мазмунини қисқа баён қилиш, матн устида ишлаш, мулоқот матнларини яратиш кўникмаларини ҳам эгаллайдилар. Китобхонлик маданиятининг шаклланиши натижасида матнни ўқиб, идрок қилиш лаёқати ривожланади.

Шунга кўра китобхонлик стратегиялари ушбу йўналишда муайян мақсадга эришишни назарда тутган ҳолда, авваламбор, ўқитувчилар, ота-оналар, юқори синфларда эса, ўқувчиларнинг ўзлари томонидан танланади. Ўқитувчи мутолаа стратегияларини тўғридан-тўғри қўллаши натижасида ўқувчиларда китобхонлик қобилиятини ривожлантиришга муваффақ бўлади.

Мутолаа стратегияларини мунтазам қўллаш жараёнида ўқувчилардаги китобхонлик кўникмаси барқарорлашади ва мустаҳкамланади.

Ўқитувчи мутолаа стратегияларини қўллаганда, ўқувчиларнинг матн мазмунини англаш кўникмаларини мустаҳкамлашни назарда тутди. Китобхонлик кўникмасининг ривожланиши эса мутолаа стратегияларини қўллаш маҳсули ҳисобланади. Кўриниб турибдики, мутолаа стратегияси ўқувчиларнинг хотираси ва ақлий фаолиятини ривожлантириб, матнни англаш имкониятларини кенгайтиради.

Қуйида келтириб ўтиладиган мутолаа стратегиялари жадвалимиз ёрдамида педагоглар ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш ва уларда китоб билан ишлаш тажрибасини ҳосил қилишлари лозим. Шунингдек, ўқувчилар матн мазмунини пухта ўзлаштиришлари учун уларни китоб мутолаасига кенг жалб этиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларга мутолаа учун тақдим этиладиган матнларнинг мураккаблик даражаси уларнинг ёш хусусияти, ўзлаштирган билимлари, дунёқараши, сўз бойлигининг мавжуд даражасига мос бўлиши керак.

1-жадвал

Мутолаа стратегиялари

МУТОЛААГА КИРИШИШДАН ОЛДИН	МУТОЛАА ДАВОМИДА	МУТОЛААДАН КЕЙИН
1. Қулай педагогик муҳит яратиш	1. Матнни ўқиш жараёнида ўқувчининг тушуниш даражасини кузатиш	1. Матн мазмуни ва муаллиф ижодини таҳлил қилиш
2. Ўқувчи олдида аниқ мақсад қўйиш	2. Асосий ғояни аниқлаш	2. Мутолаагача бўлган башоратларни қайта кўриб чиқиш
3. Ўзлаштирилган билимларни эсга олиш	3. Индуктив хулосалар чиқариш	3. Матнга оид маълумотларни кўриб чиқиш
4. Мавзудан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар олдида саволлар қўйиш	4. Матннинг таркибий тузилишини ўрганиш	4. Матннинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш
5. Мавзунинг матн мазмунга мослигини ўрганиш	5. Матн мазмунини аниқ идрок этиш	5. Ўрганилган барча маълумотни умумлаштириш.
6. Матн билан танишиш	6. Сўз бойлигининг мавжуд даражасини кузатиш	6. Маълумотларни қайта таҳлил қилиш
7. Матн ичидаги бўлимларнинг номланишини ўрганиш	7. Ҳар бир бўлимнинг асосий ғоясини прогноз қилиш	7. Ўқилган матнни сўзлаб бериш ва асар мазмунига муносабат билдириш
8. Ўқитувчи томонидан берилган топшириқларга жавоб бериш	8. Матн ҳақида қисқача маълумотларни қайд этиш	8. Мавжуд маълумотларни тўлдириш
9. Матннинг таркиби ва асарнинг жанрини аниқлаш	9. Ўрганилган маълумотлар билан олдин ўзлаштирилганларини қиёслаш.	9. Янги ўзлаштирилган маълумотларни амалий фаолиятига тадбиқ этиш
10. Мавзу ҳақида маълумотларга эга бўлиш	10. Ўрганилаётган маълумотларга муносабат билдириш	10. Матн мазмунида баён этилган фикрлар билан ҳаётий тажрибаларни қиёслаш
11. Матн мазмунини башорат қилиш	11. Матнни ифодали ўқиш	11. Матн мазмунига танқидий муносабат билдириш

Ўқувчиларни мутолаага ўргатиш жараёнида ўқитувчилар улардаги метакогнитив лаёқатларни аниқлашлари муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилардаги мутолаага оид метакогнитив лаёқатлар қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: педагогик шарт-шароитларни ажратиш; муаммоларни англаш; эътибор қаратиладиган вазиятларни баҳолаш; мутолаага тегишли маълумотларни фарқлаш; муҳим ва муҳим бўлмаган маълумотлар таснифини амалга ошириш; таъкидланган ва қайд этилмаган маълумотларни аниқлаш; мутолаа билан боғлиқ вазифаларни ажрата олиш; мутолаа вазиятларини ташкил этиш учун стратегик режалар тузиш; мутолаага оид фаолият натижаларини назорат қилиш; мутолаа жараёнига қўйилган мақсадларга эришилганлик даражасини белгилаш; мутолаага оид машғулотлар натижадорлигини аниқлаш; фаолият натижаларини баҳолаш; йўл қўйилган хатоларни аниқлаш ва бар тараф этиш.

Биз қуйида ўқувчиларда муайян дарс жараёнида танқидий мутолаа лаёқатини қандай шакллантириш ҳақида фикр юритамиз. Бунинг учун ўқитувчи дастлаб мутолаа учун матн танлаши ва ҳар бир ўқувчи бажарадиган вазифаларни аниқлаши лозим: 1) Ўқувчилар мутолаа қилинаётган матндаги маданиятга оид фикрларни ажрата олишларига эришиш. Бунда ўқувчиларга матнни мустақил танлаш ҳақида топшириқлар бериш. 2) Ўқувчилар қўлланилаётган стратегияларнинг қандай натижа беришларини аниқлашлари, матндаги маданиятга оид фикрларнинг инсон руҳиятига таъсирини илғай олишларини таъминлаш. 3) Ўқувчиларда танқидий мутолаа стратегиялари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Мазкур стратегиялар ёрдамида ўқувчиларнинг матн мазмунини танқидий таҳлил қилишларига эришиш. 4) Ўқувчиларга матнга муқобил матн яратиш ҳақида топшириқлар бериш.

2-жадвал

Мутолаадан кейинги жараёнда асар матнининг таҳлили

Асар қаҳрамонлари	Уларга тегишли нарса ва буюмлар	Асар қаҳрамонларининг фикрлари ва хатти-ҳаракатлари	Асарда учрайдиган сўз ва иборалар
Ҳамдам Кампир	Аждар бошли ҳасса, бўғча	Чолнинг талабларини бажаради, намоз ўқийди, чарм диванда ўтиради, ҳассасини дўққиллатади, ташқарига соатлаб термулиб ўтиради, “... Худодан бошқа ҳеч ким йўқ экан”	Дарз, пайванд, қурок, чарх урарди, тахмон, сабри – сариқ сабри бир гул, тасбеҳ доналаридай, седар, кофур
Ўлган чол	Чарм диван, радио, газета, кўзойнак	Шакар солинган пиёлани гилам ўртасига қўйма, боғқайчим қани, овқатим қани? Тарвуз сувидан тайёрланган шарбатим қани?	
Қўшни хотин		Ёлғизлик сени эсингни оғдириб қўйибди... Қизинг, қизинг, қизинг, қизинг....	Полякча стул
Ҳамдам кампирнинг қизи	Овози ва изи	Қурилиш қиялпмиз, пул керак, сенга уйнинг нама кераги бор	“Ҳил-у гавҳар, ҳалвойитар, курси камар”

Ўқувчиларни танқидий мутолаа вазиятига олиб кириш учун улар олдига учта савол қўйиш мумкин: Матнда маданият ва маданиятлараро мулоқотга оид қандай фикрлар илгари сурилган? Матннинг асосий мавзуси нимага бағишланган? Ушбу мавзу доирасида ёзиладиган алтернатив матнда қандай фикрларни илгари сура оласиз?

Юқорида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун мутолаа жараёнини 3 йўналишда ташкил этиш мумкин: мутолаага киришиш жараёнида; мутолаа жараёнида; мутолаадан кейинги жараён. Шу мақсадда ўқувчилар билан Эронлик адиба Розия Тужжорнинг “Яна бир юлдузнинг ботиши” ҳикояси асосида давра суҳбати уюштирдик.

Ўқувчиларда мутолаа маданиятига оид кўникмаларни шакллантириш мақсадида қуйидаги ишлар ҳам амалга оширилди: берилган бадий асар матни асосида ўқувчилар ёзувчиларнинг бадий асар ғояси ҳақидаги қарашларини таҳлил қилдилар; матн сарлавҳаси билан унинг мазмуни орасидаги мутаносибликни илғай олдилар; айти шу мавзуда ўзлари ҳам матн тузишга ҳаракат қилдилар; бадий асар матнини мутолаа қилгач, ёзувчининг асосий ғояси нимадан иборат эканлигини сўзлаб бердилар; ёзувчи илгари сурган ғоядан ўқувчилар қандай хулосалар чиқарганликларини баён этдилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш моделини таклиф қилдик (1-расм). Ушбу модел ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш жараёни ҳақида яхлит тасаввур қилиш имконини беради.

Когнитив фаолият шахснинг ички лаёқати ҳисобланади. У ўқувчининг интеллектуал ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатади. Бу жараён бадий асарда ифодаланган муаммоларни тушуниш, ўрганиш, хотирада сақлаш ва улар устида фикрлашни ўз ичига олади. Когнитив стратегиялар бир неча босқичда намоён бўлади: 1) Асарни мутолаа қилишни ўрганиш босқичи. 2) Мутолаа қилинаётган асар мазмунини англаш босқичи. 3) Бадий асарда ифодаланган сюжетни хотирада сақлаш босқичи. 4) Бадий асар мазмуни устида фикрлаш ва қўйилган муаммоли масалаларни ечиш босқичи.

Когнитив стратегиялардан фойдаланиш натижасида ўқувчилар бадий асарни мутолаа қилишга ўрганиш ва бу жараёнда ҳосил бўлган компетенцияларини амалда қўллаш лаёқатига эга бўладилар.

Когнитив стратегия – ўрганиш, хотирада сақлаб қолиш ва ғояларни таҳлилий ифодалаш усулларини ўз ичига олади. Ўқувчилар таҳлилий мутолаа жараёнида самарали фаолият кўрсатганларидагина асар матнини пухта ўзлаштиришга муваффақ бўладилар.

Танқидий мутолаани шакллантириш учун ўқувчиларда танлов имконияти бўлиши муҳим. Негаки, ўқувчилар биргина манбадан фойдаланиб унга таяниб қолмасликлари лозим. Ҳар қандай чоп этилган матн ҳам тўлиқ ишоничга лойиқ эмас. Чунки, ишончли манбаларга асосланган, муаллиф лаёқати тўла тасдиқланган ва ношир муайян эътиборга эга бўлган ҳоллардагина матннинг қисман ҳақиқатга яқин эканлигига иқрор бўлишимиз мумкин. Сабаб шундаки, энг ишончли манбалар ҳам баъзан нотўғри маълумот бериши, малакали муаллифлар ҳам бевосита янглишиши, ноширлар ҳам нотўғри маълумотларни чоп этиши мумкин.

Мақсад: умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш

В А З И Ф А Л А Р

Мақсадли блок

Ўқувчиларда матн мазмунини мантикий мушоҳада қилишга ўргатиш асосида мутолаа маданияти кўникмаларини шакллантириш мазмунини белгилаш;

Ўқувчиларда бадий асар материалларини мутолаа қилиш кўникмаларини таҳлилий тафаккурни ривожлантириш асосида шакллантириш;

Ўқувчиларда китоб мутолаасини шакллантиришда ўқитувчи, мактаб кутубхонаси ва оналар ҳамкорлигини ташкил этиш;

Ўқувчиларга фанлар кесимида мустақил ўқиладиган адабиётларни тавсия этиш асосида мутолаа маданияти кўникмаларини шакллантириш

Технологиялар: маҳсулдор мутолаа технологияси, рефлексив ва шахсга йўналтирилган таълим технологиялари...
Ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш стратегиялари: китобхонлик стратегиялари, матнни қайта ишлаш стратегияси, метакогнитив стратегия, когнитив стратегия, танқидий мутолаа стратегиялари

Ташкилий мазмунли блок

Принциплар: ўқувчиларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларига кўра ривожланиш даврларини ҳисобга олиш; ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантиришга хизмат қиладиган ҳар қандай фаолиятга нисбатан мотивацияни шакллантириш принципи; ўқувчиларда мутолаа маданиятига оид кўникмаларнинг шаклланганлигини рефлексиялаш принципи; мутолаа маданияти кўникмаларини эгаллашга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш принципи; мутолаа маданиятини шаклланишига хизмат қиладиган диалог жараёнини ташкил этиш принципи

Усуллар: “пастдан-юқорига” “юқоридан-пастга” усуллари, эвристик мутолаа изланиш усули, жамоавий суҳбат усули, Викторина усули, китоб йўлга чиқди усули. (синфлар кесимида, синфлараро, мактаб микёсида)

Методлар: Сандвуд Коллежи методи, “Таҳлил-мутолаа” методи, Китоб мутолааси тарғиботи методи, Адабий ўйинлар

Мутолаа маданиятининг таркибий қисмлари: китоб танлаш; китоб билан мустақил ишлаш; ўқиган китобларининг мазмунини ёзиб бориш; таҳлил қилиш; асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини объектив баҳолаш; китобга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш; медиа воситаларидан мақсадли фойдаланиш

Функционал блок

